

IV - А - МАВЗУ. МУДИРА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСИНИНГ РАХБАРИ. 4 соат.

РЕЖА:

1. Мудира ташкилотчи, маъмуриятчи, юкори малакали педагог ва унга куйилган талаблар.
2. Мудира ишининг мазумни.
 - а) мудиранинг маъмурий хужалик ишлари.
 - б) ташкилий педагогик ишларга рахбарлиги.
 - в) таълим-тарбиявий ва методик ишларга рахбарлик.
 - г) ота-оналар жамоатчилиги билан иш услублари.
 - д) дастур талабларининг бажарилишига мудиранинг рахбарлиги назорати.
 - е) кадрлар билан усулларида Амир Темур тузукларидан фойдаланишнинг ахамияти.
 - ж) мудиранинг халк таълими булинмалари ота-оналар жамоат олдидаги хисобдорлиги.
 - з) мудира ишини режалаштириш.
 - и) мудиранинг ҳуқуқ ва вазифалари.

Адабиётлар: 1, 3, 4, 7, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 18, 20, 21, 23, 32, 33.

МАКСАД: Талабаларни меҳнатини онгли илмий асосда ташкил этиш услуб ва услублари билан курулантириш. Муассасада таълим-тарбиявий молиявий хужалик методик ишларини ташкил этиш ва рахбарлик ургатиш.

Мактабгача тарбия муассасаси - мураккаб тармок бўлиб, мудиранинг ундаги роли, фаолияти куп кирралидир.

Мудира - мактабгача тарбия муассасасининг ташкилотчиси рахбари, малакали педагог унинг фаолияти мактабгача тарбия ёшидаги болаларни комил инсон қилиб тарбиялаш вазифаларини тулаконли ҳал этишга қаратилган. У болалар муассасаларидаги таълим-тарбиявий педагогик ва гигиеник талабларга мувофиқ равишда амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Уз жамоасида ишчанлик мақсадга қаратилган ва иноклик вазиятини яратади. Уларга умумий рахбарлик қилади. Мудира уз ишида-давлатимиз ва Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган қарор, қонунларга амал қилинди ва уз устида ижодий равишда ишлашни амалга оширади. Юксак онглилик ва сиёсий етуклик принциплик узига ва қул остидагиларга талабчанлик. Бу мудирага қуйиладиган асосий талаблардир.

Жамоадаги тугри узаро муносабатлар ҳар бир ходимнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомлигига риоя қилишни таъминлайди.

Рахбарлик мавкеи мудира уз гоъвий маънавий маърифий сиёсий - ҳукукий савиясини ва минтакавийлик маҳоратини доимо онгли равишда педагогик билимларни болаларга таълим - тарбия бериш назарияси ва амалиётини пухта эгаллашага, ҳозирги боскичда мактабгача таълим олдида турган вазифаларни билишга у уз билимларидан амалий фаолиятига фойдаланишга мажбур этади. У программа методик инструктор, норматив ҳужжатларни яхши билиши ва устида амал қилиши керак. У педагогик жараённинг моҳиятини чуқур булиб, етук ва камчиликларини дарҳол бартараф қилиш чораларини қуриш лозим.

Мактабгача тарбия муассасаси мудир Халқ таълимини бошқариш органлари томонидан олий маълумотга ва 3 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган ёки урта махсус маълумотига ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган шахслардан танланади. Мактабгача тарбия муассасасида кадрларни танлаш жой-жойига қуйиш тарбиялаш бўйича ишни меҳнат жамоаси мактабгача тарбия муассасаси кенгашининг фаол иштирокида маъмурият амалга оширади. Мактабгача тарбия муассасаси раҳбарлари кадрларнинг касб маҳоратини, умумий таълим маҳоратини умумий таълим ва маданий даражасини мунтазам устириб боришига ғамхурлик қилади: ходимлар малакасини ҳисобга олган ҳолда ва мактабгача тарбия муассасаси манфатларидан қелиб чиқиб, уларни рационал ва уз вақтида жойдан-жойга қучириб турилиши таъминлайди.

Мактабгача тарбия муассасасида кадрлар резерви шакллантирилиб, улар билан доимий иш олиб борилади.

Мудира болалар богчасининг бутун фаолиятига раҳбарлик қилиб, у болалар богчасининг

ободонлаштириш, куламзорлаштириш ишларига раҳбарлик қилади. Смета бўйича харажатларни тугри тақсимлаш, муассасасини бой озиқ овқат моддалари билан таъминлаш режимни тугри ташкил этиш режасида богчасини болалар билан тулдириш, таълим-тарбия дастурининг бажарилиши учун жавобгар, ёзги соғломлаштириш ишлари, таомнома сифатини витаминга бой бўлган моддалар билан таъминлаши (қамида ҳафтада 2 марта) ҳамир овқатлари (булочка, печенье). Педагогик ва хизмат курсатувчи ходимларнинг билими, ишга нисбатан муносабати, уларни малакасини ошириш ишлари бўйича бош раҳбардир.

Мудира болалар ҳаётини сақлаш муҳофаза қилиши учун болалар муассасасида тугри режим моментлари, шарт-шароит яратади. Санитария ва гигиеник қоидаларнинг бажарилишига, ёнидан қарши тадбирлар утқазади. Қишга бой озиқ овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлайди. Витаминга бой бўлган мева-меҳварларни усимликларни устиради. Богча ходимлари уз вақтида ойлик маош билан таъминланади. Меҳнатка ишчиларнинг интизомига қатъий риоя қилади. Иш юритиш қаттиқ назорат қилинади. Буш гуруҳларни ходимлар билан уз вақтида таъминлайди. Актив ходимларнинг рағбатлантиради. Болалар богчасида утқазиладиган жорий капитал ремонтга бош раҳбардир. Завхоз, қладовщик, кир ювувчи, қастильянша, богбон,

дурадгор, фаррош, коровул, электрик, сантехник, шафёр билан яккама - якка субтат утказади. Уларнинг ишлари устидан каттий назорат ташкил этилади.

Мудиранинг ТАШКИЛИЙ - ПЕДАГОГИК ИШЛАРИНИ РАХБАРЛИГИ.

Ташклий - педагогик жараёнларга куйидагилар киради.

1). Байрам эртакларини утказиш ва рахбарлик.

2). Очик тадбирларни ташкил этиш ва рахбарлик килиш, очик тадбирлар ва педагогик жараёнларни жамоа асосида кузатиш ва тахлил килиш.

Масалан, очик машгулот, сайрларни кузатиш.

3) Халк таълими булимлари томонидан берилган топширик асосида тарбиячи ва болаларни курик-крнкурсларга катнашиши, йил тарбиячиси, санхат байрами, спорт байрамларини утказиш.

Мудиранинг ТАЪЛИМ ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА РАХБАРЛИГИ куйидагилар:

а) хар бир гурухдаги таълим тарбиявий режа асосида ишларни кузатиш ва тахлил килиш, тарбиячининг иш хужжатларини урганиш ва тахлил килиш гурухнинг таълим-тарбиявий иш режаси, диагностика дафтари: бу утказилган ишларнинг хисоботидир.

б) гурухнинг жихозланишини, бунда гурухларга караб бурчаклар сони такомиллашиб боради.

Мудира кварталда биринчи Март умумий ота-оналар мажлисини ташкил этади. Мажлисни ота-оналар комитетининг раиси олиб боради ёки ёрдам беради. Мудира 1 хафтада 3 марта ота-оналарни кабул килади. Бунда ота-оналар томонидан баъзи бир муаммо камчиликлар билан болалар тарбиясига оид муаммолар хал этилади.

Мудиранинг жамоатчилик ва махалла комитаси билан иш методлари куйидаги тарзда амалга оширилади:

1. Ота-оналар ва жамоатчилик учун конференциялар.

2. Ота-оналар университетлари. Бунда оила марказидан вакил, етук олимлар, халк таълими булими ходимлари ва барча ота-оналар иштирок этадилар. Ота-оналар Университетнинг асосий максади Давлат ва жамиятимиз томонидан оила ва болалар тарбиясига масалалари ва камчиликларини, муаммоларини хал этишдан иборат. Мудира Ташкилий тегишли мактаб билан алока урнатиб 1 йилга мулжалланган режа асосида иш куради. 1 йилга мулжалланган режа асосида богчанинг асосий вазифалари, мактаб томонидан амалга ошириладиган тадбириий чоралар, болани мактаб таълимига тайёрлаш, лотин алифбоси укиш ёзиш, мукаммал урганиш. Бунда мудира ва мактаб директорининг вазифалари белгиланади.

а) маъмурий хужалик фаолият — бунда режа контингент буйича болаларни жойлаштириш, болалар богчаси программасининг мактабгача тарбия системасида белгиланган харажатларни уз вактида жой — жойига куйиб ишлатишни ташкил этиш, болаларни овкатлантиришни тугри ташкил этиш, ёзги соғломлаштириш сезонларини ташкил этиш, хизмат килувчи

ходимларни тугри жойлаштириш ва ишлаш малакаларини ошириш, меҳнатни рационал равишда ташкил этишдан иборат.

Мудира богчани керакли техникавий ва хужалик материаллари билан мунтазам равишда таъминлаб туриш, бинони жихозлаш билан (каттик ва юмшок инвентарлар) жихозлаш, бинони уз вақтида ремонт қилиш ва укув-курғазмали қуроллари билан тулдириб бориши, турли ёш гуруҳаси учун программ – методик хужжатларда тавсия этилган уларнинг физиологик, аклий, ахлокий, меҳнатни эстетик тарбиялаш мақсадида болалар бадий адабиёти ва педагогик адабиётлар билан таъминлаш, болалар майдончаси ва участкасини тугри планли жихозлаш, кадрларни жойлаштиришда уларни болалар билан ишлаш стажига қараб, ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши, врач билан биргаликда медицина ишларини назорат ва болаларни системали медицина қуригидан утқизиш ишлари қилади.

Молиявий-хужалик ва бошқа фаолияти, жамоада ижодий маънавий-рухий муҳит яратилиши учун қонунда белгиланган тартибда шахсий жавобгардир.

Мактабгача тарбия муассасасининг мудир амалдаги қонунчилик доирасидаги мактабгача тарбия муассасаси педагогик ходимлари ва маъмуриятини уларнинг касб-қор ва мансаб фаолиятларига асоссиз аралашувга чек қуювчи зарур қоралар қуради; мактабгача тарбия муассасаси жамоасига нисбатан маъмурий-буйруқбозлик уринишларига унинг мустақиллигининг чекловчи буйруқларга чек қуяди; шу масалалар буйича тегишли органларга муружаат қилади.

Мудир ишонч қозғосисиз мактабгача тарбия муассасаси номидан ҳаракат қилади, барча ширкат ва жамоат қорхоналари, муассасалар ва ташкилотларида унинг манфаатини ҳимоя қилади; қредитлар таркатади; шартномалар тузади, ишонч қозғозларини беради, банқларда ҳисоб ва бошқа счётларини очади; мактабгача тарбия муассасаси учун зарур бўлган жихозлар ва бошқа моддий ресурсларни хоҳлаган қорхоналардан, ташкилотлардан, ширкатлардан ва айрим шахслардан нақд пулга ёки пул утқизиш йули билан ижарага олиш ва буюртма бериш ҳуқуқига эга.

Мудир мактабгача тарбия муассасаси ҳуқуқи доирасида буйруқ чиқаради, қуратма беради. Бу буйруқ ва қуратмалар мактабгача тарбия муассасасининг барча ходимлари учун мажбурийдир. Тарбиячи-методист, катта медицина ҳамшираси, хужалик мудирининг уз ҳуқуқлари доирасида берган қуратмалари барча ходимлар учун мажбурийдир.

Мактабгача тарбия муассасасининг шахсий таркиби қуйидагилардан иборат: Маъмурий гуруҳ (мудир, тарбиячи-методист, ҳужилик мудир, катта медицина ҳамшираси), педагогика, медицина, хизмат қуратиш тармоқлари ходимлари.

Мактабгача тарбия муассасаси маъмурияти ҳар бир таркибий бирликка тегишли моддий ресурсларни беркилади.

Мехнат жамоаси ваколатини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йигилишидир.

Мактабгача тарбия муассасасининг умумий йигилиши:

- мактабгача тарбия муассасасининг Уставини куриб чиқади ва қабул қилади;
 - мактабгача тарбия муассасаси кенгашини тузиш зарурини аниқлайди, кенгаш таркибини ва унинг раисини сайлайди;
 - йиллик ва истикбол режаларини муҳофаза қилади ва тасдиқлайди, унинг бажарилиши ҳақида маъмурият ҳисоботини эшитади, педагогик ва хизмат курсатиш меҳнатининг самарадорлигини ошириш йулларини белгилайди;
- Жамоа шартномасини муҳофаза қилади ва касбга уюшмаси кумитасига тақдим этади.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ

КАДРЛАРИ.

Мактабгача тарбия муассасаси мудир халқ таълими бошқариш органлари томонидан олий маълумотга эга ва ўқийдиган кам бўлмаган педагогик стажига эга бўлган ёки ўрта махсус маълумотга ва беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган шахслардан тайинланади.

Мактабгача тарбия муассасасида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш бўйича ишни меҳнат жамоаси, мактабгача тарбия муассасаси кенгашининг фаол иштирокида маъмурият амалга оширади. Кадрларни танлаш чоғида мактабгача тарбия муассасаси раҳбари Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 3 августдаги 205 – сонли Қарорига; мактабгача тарбия муассасаси Уставига амал қилади. Бунда даъвогарларнинг шахсий сифатлари ва танлаган соҳага мойилликлари инобатга олинади.

Мактабгача тарбия муассасаси маъмурияти жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўз-ўзини бошқарув асосида болаларни тарбиялашда юксак натижаларга эришишга қодир бўлган тургун меҳнат жамоасини шакллантиради; кадрларни ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш, педагогик ва хизмат курсатиш меҳнати самарадорлигини ошириш руҳида тарбиялайди, ўз жамоаси, танлаган касби учун фахрланиш ҳиссини шакллантиради.

Мактабгача тарбия муассасаси раҳбарлари кадрларнинг касб маҳоратини, умумий таълим маҳоратини, умумий таълим ва маданий даражасини мунтазам устириб боришга ғамхўрлик қилади; ходимлар малакасини ҳисобга олган ҳолда ва мактабгача тарбия муассасаси манфаатларидан келиб чиқиб,

уларни рационал ва уз вақтида жойдан-жойга қучириб турилишини таъминлайди. Бу мақсадлар учун маъмурият рухий-педагогик қувватларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий қувват билан органик уйғунлигини таъминлайди; ходимлар малакасини бевосита мактабгача тарбия муассасасида ошириш учун шарт-шароит яратди, мураббийлик ҳаракатини ривожлантиради; мамлакатда ва чет элларда педагогик ва бошқа аралаш фанлар эришган натижалар ҳақида ахборот беради.

Маъмурият жамоат ташкилотлари билан биргаликда мактабгача тарбия муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш учун оптимал шарт-шароитларни таъминлайди, уларга уз вақтида зарур методик ёрдам қўйиб беради.

Мактабгача тарбия муассасасида кадрлар резерви шакллантирилиб, улар билан иш олиб борилади.

Тарбиявий-таълимий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида умумий йиғилиш қарори билан мактабгача тарбия муассасаси

Мактабгача тарбия ишини методик жиҳатдан тўғри режалаштириш, мақсадида йиллик режа тузилади. Болалар муассасасининг йиллик плани партия ҳукуматнинг халқ маорифи ва мактабгача тарбия соҳасидаги қарорларига ҳамда Халқ таълимининг программ-методик ҳужжатларига мувофиқ равишда тузилади.

Йиллик режа – мактабгача таълим муассасасининг истиқбол фаолиятини ақс эттирувчи асосий ҳужжати.

Унда педагог ва хизмат қилувчи ходимларнинг ишларини ташкил этиш масалалари аниқланади. Йиллик план тузишда бoғчанинг ҳамма коллективи иштирок қилади.

Йиллик план ҳар бир қувват йилига сентябрдан-сентябргача тузилади.

Плани профсоюз ва комсомол ташкилоти, партия, ота – оналар комитети, мактаб билан қилишилган ҳолда режалаштирилади. Йиллик планнинг қириш қисмида ўтган қувват анализ берилади, муассасанинг аҳоли тўғрисида тушунча берилади. Ҳар бир бўлими алоҳида анализ қилинади, қандай ишлар бажарилди, йўл қўйилган қамчиликларнинг сабаби, нисмаларга эришилди, батафсил қилинади.

2 - қисмида янги қувват йилига вазифалар қабул қилинади, вазифалар қабул қилишда мактабгача тарбия муассасасининг ишини ҳисобга олиб, ҳамда педагогик коллективнинг ишлаш қобилиятларини, ҳар бир педагогнинг қувватли ва қувватсиз томонларини ҳисобга олиб, аниқ тўғри режалаштирилади.

3 - қисмида – йил давомида ўтказиладиган ташкил ишлар планлаштирилиб, булар «болалар бoғчаси тарбия программаси»ни бажарилишини, белгиланган вазифаларни аниқ бажаришга йўналтирилган бўлади.

Йиллик пландаги асосий ташкил ишлар: педагогик коллективнинг гоёвий-сиёсий ҳамда педагогик онглари ошириш;

Методик онгни устириш; (педагогик кенгашлар, консультациялар) илгор тажрибалари, педагогик тажриба алмашилиш: турли фаолиятларни назорат килиш ва муҳофаза килиш, методик кабинетни жихозлаш, программа талабларнинг бажарилиши назорат килиш, ота-оналар билан ишлаш (умумий ва группа ота-оналар мажлислари, лекция ва консультациялар, кургазмали ташвиқот ишлари);

Маъмурий-хўжалик фаолият - (бинони ремонт, мебеллар ва бошқа атрибутларни ремонт килиш, кучатлар экиш, спорт майдончаси, физкультура жихозларини сотиб олиш, болалар ҳаётини сақлаш ва муҳофаза килиш ишлари);

Хизмат килувчи ходимларнинг – гоёвий-сиёсий онглари, ишлаш малакаларини ошириш;

Ишларни-вазифаларни йил давомига бир текис тақсимлаш, иш бажарувчи шахслар, муддати, ҳажми – белгиланади. Муассасанинг ҳар бир ходими бирор бир маъруза ташкилий ишлар билан қатнашиши керак. Бу жамоа ишчан атмосферани шакллантиради, ишни сермазмун қилади.

Йиллик планда касбга уюшма қўмитаси, ота-оналар қўмитеси, медицина ходимларининг (боғча врачлари ва ҳамширанинг) йиллик планлари ақс этади, ёзги соғломлаштириш ишлари, мактаб билан боғчанинг алоқаси планлаштирилади. Педагог ходимларнинг малака ошириш плани ҳам йилликда ақс этади.

Йиллик план педагогик кенгаш муҳофаза қилинади ва коллектив томонидан қўриб қўйилади ва юқори маориф органлари (туман ХТБ, шаҳар ХТБ, Вилоят ХТБ ва ҳ.к.)нинг мактабга тарбия инспектори-методист томонидан тасдиқланади. Йиллик режа ходимлар фойдаланишлари учун қўлай бўлган жойда сақланади. Йиллик режа барча вазифаларни бажаришда муассасанинг ҳамма ходимлари жавобгардирлар.

Мудиранинг методик ишларга раҳбарлик методик иш формаларидан қўйидагилар:

- 1) Педагогик кенгаш.
- 2) Семинар, семинар машғулоти.
- 3) Медика педагогик кенгаш.
- 4) Очиқ тадбирларни ташкил этиш.
- 5) Яққам-яққам ишлаш.
- 6) Жамоа тарикасида маслаҳат.

Мактабга таълим қатнашчиларининг лавозими ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг бошқарув вақолатлари ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, тегишли меъёрий ҳужжатлар, таълим муассасаси Ўстави билан белгиланади.

Мактабгача тарбия муассасасининг хужжатлари.

«Болалар богчасининг устави»га мувофик мактабгача тарбия муассасасида муайян хужжатлар олиб борилиши керак.

Буйруқлар дафтари болалар богчасига тартиб номери берилгандан кейин расмийлаштирилади. Унинг ҳамма саҳифалари номерланади, охирида унинг неча вараклиги курсатилади.

Болаларни ҳисобга олиш дафтари (Форма ДП-2) болалар ва ота-оналар ҳақидаги маълумотларни, болаларнинг уй адреси, богчага келган ва ундан кетган (бутунлай) саналарни уз ичига олади.

Ҳар бир гурӯҳда болаларнинг ҳар кунга давомати (богчага келиши) ҳисобга олинади (Форма ДП-3).

Шунингдек, ходимларнинг, болаларнинг шахсий делолари медицина карталари; ходимларнинг иш графиги, уларнинг иш вақтини ҳисобга олиш табели; мактабгача тарбия муассасасига йул-йурик берадиган, уни текширадиган ва ревизия қиладиган кишиларнинг мулоҳаза ва таклифларини ёзиш дафтари; санитария журнали; педагогика, ишлаб чиқариш йиғилишлари ва ота-оналар мажлисларининг протоколлари; инвентарь ва озик-овқат маҳсулотларини ҳисобга олиш дафтари; муассасанинг йиллик иш плани ва бошқалар олиб борилади.

Муҳокама учун саволлар:

- 1) Мудира ва унга қўйиладиган талаблар?
- 2) Мудира фаолиятини изоҳланг?
- 3) Таълим-тарбиявий-ташқилий фаолиятини ёритинг?
- 4) Методик иш фаолиятига нималар қиради?
- 5) Кадрлар ва ота-оналар билан иш методи нималардан иборат?
- 6) Мудиранинг ҳуқуқи қайси хужжатларда белгиланган?

Таянч иборалар.

- 1) Медико – педагогик кенгаш – Тиббий – педагогик кенгаш.
- 2) Программ-методик – дастурий - услубий хужжат.
- 3) Контингент – болалар муассасасини болалар билан тулдириш.

